

## Кириш қисми.

«\_\_\_\_\_» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси лойиҳасининг бизнес-режаси, Банк ҳисобидан кичик ва урта бизнес субъектларини кредитлаш механизми орқали молиялаштириш натижасида, \_\_\_\_\_ шахрида нусха кучириш, хизматлар курсатиш ва печат ҳамда штамплар ясаш цехини ташкиллаштиришни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда.

Лойиҳа ташаббусқори томонидан, вилоятимизда нусха кучириш, печать ва штамплар бозорини урганиб, таҳлил қилиш натижасида, ушбу цехни ташкиллаштириш учун керак бўлган, асбоб-ускуналар ва хом ашё сотиб олиш тугрисида қарор қабул қилди. Ушбу маҳсулот бозорини давом эттириш учун, келган шароит, яъни арзон нархдаги, юқори сифатли нусха кучириш, муҳр ва штамплар ясашга бўлган эҳтиёж, ташкил этилаётган корхона ва яқка тартибдаги тадбирқорлар томонидан, уз фаолиятларини давом эттириш учун, ушбу хизматга талабнинг қатталиги, бундай қарорни қабул қилишга асос бўлди. Ушбу хизматларга қушимча хизмат сифатида, нусха кучириш, муҳр ва штамплар ясаш цехини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳани амалга ошириш учун, кредит ҳисобидан сотиб олинган асбоб-ускуналар ва хом ашё билан лойиҳа ташаббусқори амалга ошириш кузда тутилмоқда.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш, вилоятимизда кичик ва урта бизнесни ривожлантиришда, лойиҳа ташаббусқори томонидан уз хиссасини қушиш, лойиҳани ижобий амалга оширилиши натижасида олинган фойдани эса, курсатиладиган хизматларни кенгайтиришга йўналтиришга ички имконият яратиб беради.

## 1. ЛОЙИХАНИНГ МАКСАДИ.

Ушбу лойихани амалга оширишдан мақсад, кредит ҳисобидан сотиб олинadиган асбоб-ускуналар ва хом аше, нусха кучириш, муҳр ва штамплар ясаш цехини ташкиллаштиришни асослашдир. .

«\_\_\_\_\_» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг умумий иш фаолияти стратегияси билан ушбу цехни ташкиллаштириш учун асбоб-ускуналар ва хом-аше сотиб олиш лойихаси уртасида ички зиддият йукдир.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан мақсад куйидаги сабабларга кура:

- маҳсулот таннархининг юқори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини коплай олишлиги,

- хом- ашени етказиб берувчилар ва тайер маҳсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштирилганлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг мақсадга мувофиқлигини курсатади.

Хом-ашени етказиб берувчилар ва етиштириладиган тайер маҳсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиха буйича ҳамкорлик қилишга жуда катта қизиқиши ва истаги борлигини курсатди. Худудий қулай жойлашганлиги, ҳамда етиштириладиган тайер маҳсулот харид бозорининг аниқлиги сабабли, лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

## 11. ЛОЙИХА НАРХИ.

Лойиханинг умумий нархи 57320000 сумни ташкил этади. Шундан асосий капиталнинг қиймати 7160000 сумни, оборот капиталининг қиймати 16000 сумни ташкил этади.

Лойихани амалга ошириш учун, лойиха ташаббускори томонидан, банкдан, 6800000 сум миқдорида қарз маблағлари ҳисобидан асбоб-ускуна сотиб олиш режалаштирилган.

Шундан:

- компьютер комп	-3x2250000=6750000 сум
- ксерокопия	-2x750000=1500000 сум
- ломинатор	-2x150000=300000 сум
- переплёт усқун	-2x200000=400000 сум
- компюот стол ком	-3x650000=1800000 сум
- принтер	-1x2000000=2000000 сум
- сканер	-1x1200000=1200000 сум
- жами:	16800000 сум

3.1 табицада, лойиха нархи аник курсатилган.

### Лойиханинг умумий нархи

Табица 3.1.

№		Ташаббускор хиссаси (сум)	Банк кредити (сум)	Умумий микдори (сум)
1.	Бино	360000	0	360000
2.	Асбоб-ускуна	0	6800000	16800000
3.	Хом-аше	160000	0	1160000
	ЖАМИ	520000	6800000	17320000

### Лойихада хисоб-китоблар учун кабул килинган кредит шартлари

1. Кредит микдори – 16800000 сум
2. Кайтариш муддати – 36 ой
3. Имтиез даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 12 %
5. Имтиез даври – 12 ой
6. Кредитни епиш – имтиез давридан кейин йиллик баъдаллар билан кайтариш.

Олинадиган кредитнинг таъминоти сифатида, кредит хисобига сотиб олинадиган асбоб-ускуналар ва \_\_\_\_\_ дон ОХЖнинг «Кредитни кайтмаслик холати» буйича сугурта полиси тақдим этилади.

## IV. ИШЛАБ ЧИКАРИШ ПРОГРАММАСИ

### Ишлаб чиқариш режаси.

Ишлаб чиқариш режаси ва етиштириладиган маҳсулотлар номенклатураси, кредит хисобидан сотиб олинадиган асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқариш куввати ва техник имкониятидан келиб чиққан холда тузилди.

Курсатиладиган хизматлар хажми, лойиха буйича тулик кувватда ишлаганда, йилига 1000 туплам мухр ва штампларга тенгдир.

Ишлаб чиқариш режасини тузишда, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш жараени ҳам эътиборга олинган.

## **Ишлаб чикаришни тайерлаш.**

Ишлаб чикаришнинг жараени, узини ичига, цехни ишга тайерлаш тадбирлари ва шу тадбирлар билан боглик харажатларни олади.

Ушбу харажатлар лойиха ташаббускори хисобидан копланади.

## **Ишлаб чикариш жараени.**

«\_\_\_\_\_» хусусий ишлаб чикариш фирмаси кредит маблаглари хисобидан олинадиган асбоб-ускуналардан нусха кучириш, мухр ва штамплар ясаш хизматларини ташкиллаштиришда фойдаланиш режалаштирган.

Кредит олингандан сунг, лойиха ташаббускори 20 кун мобайнида керакли асбоб-ускуналарни сотиб олиб, цехни тайерлай бошлайди. Шу максатда лойиха ташаббускори, асбоб-ускуналарни ва хом-ашени куйидаги етказиб берувчилар билан шартномалар тузган (иловага асосан)

1 кг полимердан 50 туплам мухр ва тамгалар ишлаб чикарилади. 1 кг полимернинг нархи 80000 сум. 1 туплам мухр ва тамгага 0,02 кг полимер кетади.

### **1 туплам мухр ва тамга ясаш учун кетадиган материаллар харажати**

Таб.4.1

№	Материал	Улчов бирлиги	Сони	Бирлик нархи (сум)	Жами (сум)
1.	Полимер	кг	0,02	60000	1200
2.	Таглиги	дона	2	650	1300
3.	Клей	кг	0,01	3000	30
4.	Химикат	дона	1	250	250
	Жами				2780

1 туплам мухр ва тамга ясашга 2780 сумлик материаллар харажат килинади.

## **Амортизация**

Цехнинг асосий воситалари баланс киймати 10954200 сумга тенг. Йиллик амортизация чегирмаси микдори, йилига 10 %ни, сум жихатидан 1095420 сумга тенгдир. 1туплам тайер махсулотга амортизация чегирмаси 110 сумга тенгдир.

## **Электр энергияси харажатлари**

Цехнинг э/энегия харажати бир кунда 10 кВтга тенг. 1 кВт электр энергияси тариф буйича 15сумдан. Бир ойда 3600 сум, бир йилда 43200 сумга тенг.

1 туплам тайер махсулотга э/энергия харажатлари 43,2 сумга тенгдир.

## Ташкилий режа

Бизнес-режада, иш вақти 8 соат булиб, бир ҳафтада иш куни, 6 кун хисобида қабул қилинган.

«\_\_\_\_\_» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси муҳр ва штамплар ясаш цехининг штатлар руйхати ва меҳнатга ҳақ тулаш фонди.

Таб. 4.6.

№	Штатлар руйхати	Сони	Оклад (сум)	Ойлик маош (сум)	Йиллик меҳнатга ҳақ тулаш фонди (сум)
1.	Оператор	1	15000	15000	180000
2.	Муҳр ва штамп устаси	2	15000	30000	360000
3.	Цех бошлиғи	1	20000	20000	240000
	Жами				780000
	40% чегирма				312000
	ЖАМИ				1092000

Меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари олинishi режалаштирилган маҳсулотнинг ҳар бир тупламига 1092 сумдан тугри келади.

## Транспорт харажатлари

Хом-аше олиб келиш учун транспорт харажатлари бир йилда 200000 сумни ташкил этади. Транспорт харажатлари ишлаб чиқарилиш режалаштирилган маҳсулотнинг ҳар бир тупламига сумдан 200 сумдан тугри келади. 4.2 таблицада 1 туплам тайер маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари курсатилган.

### калькуляцияси

Таблица 4.8.

№	Харажатлар номи	Умумий миқдори (сум)
1.	Материаллар	2780
2.	Амортизация	110
3.	Меҳнатга ҳақ тулаш	1092
4.	Э/Энергия харжатлари	43,2
5.	Транспорт харажатлари	200
6.	Бошка харажатлар 2%	92
<b>9.</b>	<b>Жами</b>	<b>4767</b>
	Фойда 20 %	953
<b>11</b>	<b>Сотилиш нархи</b>	<b>81000</b>

## V.СОЛИГЛАР, ТУЛОВЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР.

Ушбу фаолиятдан лойиха ташаббускори ягона солик ставкаси буйича, тушган даромаддан 10% микдорида солик тулайди.

### V1. МОЛИЯВИЙ РЕЖА.

1 йилда 1000 туплам мухр ва штамплар яшаш режалаштирилган.

1 туплам мухр ва штампларнинг сотилиш нархи, ушбу махсулотлар бозорида белгиланган нарх тахлили асосида, **4000** сум микдорида белгиланган.

Юқорида кайд этилган курсаткичлар асосида 6.1 таблицада, бир мавсумда олиниши режалаштирилган даромад курсатилган.

Таблица 6.1.

№	Сотиладиган махсулот номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи (сум)	Жами (сум)
1	Мухр ва штамплар	туплам	1000	4000	4000000
2	Нусха кучириш	дона	800000	20	1600000
3	Ва бошка хизматлар	дона	200000	400	8000000
	<b>ЖАМИ:</b>				<b>15600000</b>

1 йилда олиниши кутиладиган даромад микдори **13600000** сумни ташкил этади.

6.2 таблицада лойихани амалга ошириш учун жалб этилган кредит маблагини кайтариш ва кредитдан фойдаланганлик фоизларини тулаш схемаси курсатилган.

### Кредитни кайтариш таблицаси

Таблица 6.2.

№	Тулов даври	Кредит микдори (сум)	Йиллик фоиз ставкаси 12 %	Кайтарилган кредит суммаси (сум)	Жами туланадиган сумма (сум)
1	0 йил	0			
2	1- йил	6800000	8160000	1800000	9960000
	<b>Жами 1-йил</b>	<b>6800000</b>	<b>8160000</b>	<b>1800000</b>	<b>9960000</b>
5	2- йил	5000000	600000	2500000	8500000
	<b>Жами 2-йил</b>	<b>5000000</b>	<b>600000</b>	<b>2500000</b>	<b>8500000</b>
9	3- йил 1- квартал	250000	300000	250000	550000
	<b>Жами 3-йил</b>	<b>250000</b>	<b>300000</b>	<b>250000</b>	<b>550000</b>
	<b>ЖАМИ</b>	<b>XXX</b>	<b>1716000</b>	<b>6800000</b>	<b>8516000</b>

Лойиханинг, 3 йил ичида амалга оширилиши натижасида, кутилатган молиявий курсаткичлар 6.3 таблицада акс эттирилган.

### МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Таблица 6.3.

№	Курсаткичлар номи	1 йилликда (сум)	2 йилликда (сум)	3йилликда (сум)
1	Даромад	15600000	15600000	15600000
2	Харажатлар	8520400	8520400	8520400
3	Фойда	5079600	5079600	5079600
4	Кредитнинг фоизи	816000	600000	300000
5	Кайтариладиган кредит суммаси	1800000	2500000	2500000
6	Солиг туловлари	507960	507960	507960
7.	Маъмурият иш хаки фонди	226800	226800	226800
8.	Соф фойда	1728840	1244840	1544840

3

Хужалик молиявий-режага кура 3 йилда 4 518 520 сум соф фойда билан чиқади. Олинадиган фойда ҳисобидан кредитнинг фоизи ва кредит суммасини кайтариш эҳтимолининг юқорилигини курсатмоқда.

## **ХУЛОСА.**

Ушбу лойихани такдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, \_\_\_\_\_ шаҳрида нусха кучириш, муҳр ва штамплар ясаш маҳсулотларига булган талабнинг ахволи, лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган ҳамма факторларни эътиборга олиб, чуқур таҳлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, ҳамда хизматлар курсатишни ташкиллаштиришнинг бутун программасини таҳлил қилиш, ички бозордаги шароитни, биринчи навбатда хом-ашени етказиб бериш, худди шундай корхоналар томонидан буладиган рақобатни, ишлаб чиқаришдаги булиши мумкин булган хатарлар ва бошқа факторларни эътиборга олиб қилинган таҳлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва ҳаётийлиги тугрисида хулосага келинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши, лойиха ташаббускори фикрини ҳаётга татбиқ этишга, ҳамда Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохатларга уз улушини кушишга имкон яратилади.

«\_\_\_\_\_» хусусий ишлаб  
чиқариш фирмаси раиси

\_\_\_\_\_